

9-10-2020

MODERN SOCIO-PEDAGOGICAL ASPECTS OF THE FACTOR OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN THE FORMATION OF HEALTHY LIFESTYLE SKILLS IN UNDERAGE AGE

Elyorjon Baxromovich Siddiqov

Lecturer, independent researcher, 33th Secondary School of Furqat district, Fergana region

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Siddiqov, Elyorjon Baxromovich (2020) "MODERN SOCIO-PEDAGOGICAL ASPECTS OF THE FACTOR OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN THE FORMATION OF HEALTHY LIFESTYLE SKILLS IN UNDERAGE AGE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*: Vol. 2 : Iss. 9 , Article 68.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/68>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

**MODERN SOCIO-PEDAGOGICAL ASPECTS OF THE FACTOR OF PHYSICAL
EDUCATION AND SPORTS IN THE FORMATION OF HEALTHY LIFESTYLE SKILLS
IN UNDERAGE AGE**

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 9 сон

предмети бўлиб келган. Халқ педагогикаси, мутафаккирларининг комил инсон ҳақидаги гоёлари кишилиқ жамиятининг ҳар бир даврида, ҳар бир миллатга комил инсон моҳияти, ўзига хос хусусият касб этган. Халқ оғзаки ижодида, достон, эртақ, ривоят, мақоллар ва бадиий асарлар қаҳрамонлари, идеал образларида комил инсон намунаси ифодаланган.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 – йил 20 - сентябрь жаҳон минбарида ЮНЕСКОнинг 72 – сессиясидаги нутқи.
2. Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. «Чўлпон» нашриёти / Тошкент.
3. Ҳадис. Тошкент.
4. А.Чориев, Н.Чориев «Педагогика тарихи методологияси». «Фан» нашриёти / Тошкент – 2010.
5. А.Чориев, И.Чориев «Педагогиканинг фанлараро боғлиқлик методологияси». «Фан» нашриёти / Тошкент – 2011.
6. А.Чориев, И.Чориев «Nishon noshir» нашриёти / Тошкент – 2016.

ВОЯГА ЕТМАГАН ЁШЛАРДА СОГЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ОМИЛИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Сиддиқов Элёржон Бахромович

Фарғона вилояти Фурқат тумани 33-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи

Аннотация: Мақолада юртимизда амалга ошириляётган ислохатлар ижросини таъминлаш мақсадида жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш, жойларда ёшлар ўртасида содир этиляётган нохуш ҳолатларни камайтириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ҳамда соғлом турмуш тарзини ташкил этиш масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ёшлар, вояга етмаганлар, жисмоний етуқлик, маънавий баркамоллик, жисмоний тарбия, спорт, соғлом турмуш тарзи.

СОВРЕМЕННЫЕ СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ И СПОРТИВНОГО ФАКТОРА ФОРМИРОВАНИЯ НАВЫКОВ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ У НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

Сиддиқов Элёржон Бахромович

учитель общеобразовательной школы № 33 Фуркатского района Ферганской области, независимый исследователь

Аннотация: В статье проанализированы вопросы формирования здорового образа жизни в обществе, обеспечения физической и духовной зрелости молодого поколения, снижения неблагоприятных ситуаций, происходящих на местах среди молодежи,

популяризации физической культуры и спорта, организации здорового образа жизни в целях обеспечения реализации осуществляемых в нашей стране реформ.

Ключевые слова: молодежь, несовершеннолетние, физическая гармония, духовная гармония, физическая культура, спорт, здоровый образ жизни.

MODERN SOCIO-PEDAGOGICAL ASPECTS OF THE FACTOR OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN THE FORMATION OF HEALTHY LIFESTYLE SKILLS IN UNDERAGE AGE

Siddiqov Elyorjon Baxromovich

Lecturer, independent researcher, 33th Secondary School of Furqat district, Fergana region

Annotation: The article analyzes the issues of formation of a healthy lifestyle in society, ensuring the physical and moral perfection of the younger generation, reducing the unpleasant situations that occur among young people in the places, popularization of physical education and sports, as well as the organization of a healthy lifestyle in order to ensure the implementation of the reforms carried out in our country.

Keywords: youth, minors, physical maturity, spiritual perfection, physical education, sports, healthy lifestyle.

Бугунги кунда жаҳонда инсон саломатлиги, жисмоний баркамоллиги ва имкониятларини тадқиқ қилиш, жисмоний етукликнинг инсон ақлий ва ижтимоий фаоллигига таъсирин ўрганиш, хусусан олий таълим тизими талабалари, бўлғуси кадрлар жисмоний маданиятини такомиллаштириш жараёнининг янгича илмий-амалий педагогик моделларини яратиш ва уларни амалга оширишда инновацион усуллар, технологияларни қўллашга оид кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. 1978 йил 21 ноябрда Париж шаҳрида БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош конференцияси томонидан қабул қилинган «Жисмоний тарбия ва спорт халқаро Хартияси» [1] мазмун моҳиятига кўра, спорт орқали дунё халқларининг жисмоний етуклиги ва маданиятини ривожлантиришни назарда тутди. Бундан кўринадики, ҳар бир жамиятда ижтимоий-педагогик муҳитни соғломлаштириш, бўлажак авлодни, талаба-ёшларни, кадрларни ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш вазифаси глобал аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда инсон капитали сифатини ошириш зарурати «миллатнинг саломатлигини - барча ёшдаги аҳолининг соғлом дунёқарашини, жисмоний, маънавий-интеллектуал саломатлигини асраш, жисмоний саломатлигини мустаҳкамлаш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш масалаларига ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқишни талаб»[2] этиши долзарб бўлса, «жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш яна бир долзарб вазифадир»[3]. Бу борада олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтларида ёшлар, айниқса вояга етмаганларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини ривожлантиришнинг илмий-педагогик методикасини яратиш доирасида изланишлар олиб борилмоқда. Ёшлар, хусусан вояга етмаган ўқувчиларнинг соғлом турмуш тарзи тафаккури ва маданиятини ривожлантириш, уларнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб

улгайишларида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу жараёнда айниқса жисмоний тарбия таълимини такомиллаштиришнинг педагогик зарурияти ҳар қачонгидан долзарбдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги «2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 118-сон қарори ҳам муаммонинг долзарблигини кўрсатади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг ёшларга доир давлат сиёсатини такомиллаштириш бандида жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга гармоник ривожланган шахсларни тарбиялаш кўзда тутилган. “Сайёрамизнинг эртанги кунини, фаравонлигини фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш”дир [4]. Бинобарин, ёшларимизнинг мустақил фикри ва дунёқараши шаклланишига кўмаклашиш, ҳаётда ўз позициясини ва ёндашувини билиб олишга ёрдамлашиш, уларни онгли ва билимли қилиб тарбиялаш, ён-атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмаслик, дахлдорлик туйғусини билан яшашга ўргатиш бугунги кундаги энг муҳим вазифадир.

Барчамизга маълумки, 2018 йил 18 декабр кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ташаббусини билан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш, уларнинг онгига соғлим турмуш тарзини ва спортга бўлган меҳр-муҳаббатни чуқур сингдириш шунингдек, аҳолининг жисмоний фаоллигини оширишни ташкил қилиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадида “Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллигини даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини қабул қилинди. “... ушбу қарорга мувофиқ 2019-2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикасини, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини даражасини ошириш Концепциясини ҳамда 2019-2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикасини, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини даражасини ошириш чора-тадбирлари Дастури тасдиқланмоқда” [5].

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, миллат генофондини асраш, оилада, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш, спортга меҳр-муҳаббатни ривожлантириш, жойларда болалар спортининг моддий техник базасини яратиш, аҳоли яшайдиган жойларда замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш ҳамда спорт ускуналари ва жиҳозлари билан таъминлаш ишларини янада фаоллаштириш ва бу борадаги эзгу ишларда таълим, маънавий-маърифий ислохатлар билан бирга болалар спортини ривожлантириш, нафақат марказларда балки энг чекка ҳудудларда ҳам замонавий спорт соғломлаштириш иншоотларини

барпо этиш, имконияти чекланган ўғил-қизларга алоҳида гамхўрлик ва эътибор кўрсатишга оид ишлар муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси, аввало, инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётганидан далолатдир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, ёшлиқдан спорт билан дўст тутунаётган ёшларимизда ўз устида ишлаш, характерини тоблаш, мусобақаларда қатнашиш орқали қатъиятлилик, мардлик хусусиятлари, мустаҳкам ирода шаклланоқда. “2005 йилда Мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 29 фоизи спорт билан шугилланган бўлса, 2016 йилда бу рақамлар тегишли равишда 57,2 фоиз ва 56 фоизни ташкил этди. Айни шу ёшдаги болалар 2005 йилда 43 турдаги машғулотларга қатнаган бўлса, бугунги кунда улар 59 спорт тури билан шугилланоқда” [6]. Аҳоли ўртасида қиз болалар жисмоний тарбияси ва спортга муносабат тубдан ўзгарди. Республикаимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, соғлиқни мустаҳкамлаш, вояга етмаган ёшларни бўш вақтларини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, аҳоли ўртаси жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш, вояга етмаган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш учун катта ишлар амалга оширилмоқда.

Инсон камолоти руҳий ва жисмоний моҳияти уйғунлигида кечилини ҳисобга олган ҳолда жамият аъзолари ақлий салоҳиятини ошириш билан бирга жисмоний маданиятини ҳам ривожлантириш вазифалари юзага чиқмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш ишларини тизимли ташкил этишда бирқанча ишлар олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан кўп тармоқли «Хумо арена» спорт комплексининг тантанали очилиш маросимида сўзлаган нутқида «Бугун биз юртимизда кенг кўламли ислохотлар ва жадал ўзгаришларни амалга оширмоқдамиз. Ва бу йўлда жисмоний соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш бизнинг устувор вазифамиз ва биз бунинг учун бор куч ва маблағларимизни сафарбар этамиз»[7], деган фикрни қатъий таъкидлаганларида ҳам чуқур маъно ва мақсад мужассам эди. Шундай экан, ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини ривожлантириш таълими шу мақсаддаги ишлар жумласидандир. Зотан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига ҳукумат томонидан алоҳида эътибор қаратилиши натижасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини ривожлантиришга ижтимоий-педагогик зарурат ортмоқда, жисмоний тарбия кундалик фаолиятга айланмоқда. Бу эса, жамиятда соғлом турмуш тарзини ривожлантириш билан бирга мамлакатимизда спорт соҳасини юксалишига ҳам замин ҳозирламоқда. Зеро, «Спортни жадал ривожлантириш, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга бундан буён ҳам катта аҳамият берамиз»[8]. Демак, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга доир комплекс ишлар доирасида жамият аъзолари, хусусан вояга етмаган ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини ривожлантириш долзарб ижтимоий-педагогик вазифа ҳисобланади.

Шунингдек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг иккинчиси

ёшларни жисмоний маданиятини ривожлантириш, жисмоний чиниктириш, уларни жисмоний тарбия, спорт билан шуғулланишлари ва ўзларини намоён қилишлар учун шарт-шароитларни яратиш беришга қаратилган. Ўтган йиллар давомида республикамизда, қолаверса барча вилоят, шаҳар ва туманларда спортни ривожлантириш, ёшларни спорт турлари билан кенгроқ шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш, жамиятда жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишлари орқали соғлом муҳитни яратишга доир бир қанча ишлар амалга оширилди. Спорт тўғрақлари, мактаблари фаолияти қайта ташкиллаштирилди, оммавий спорт турлари мусобақаларнинг мунтазам ўтказиб борилиши йўлга қўйилди.

Жаҳонда наркомания ва наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятчиликнинг тарқалиши умумбашарий муаммога айланган. *Наркомания* ва *таксикомания* ҳоллари билан курашиш тажрибасининг кўрсатишича, асосий эътиборни ушбу ходисалар оқибатларини бартараф этишдан (реабилитация, даволашдан) ҳам кўпроқ, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштиришга, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик, диний экстеремизм каби иллатларнинг аянчли оқибатларини ҳамда ахборот технологиялари орқали ноқонуний хабарлардан фойдаланмасликни олдини олишга ҳамда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга қаратиш лозим.

Жисмоний тарбия ва спорт орқали вояга етмаган ёшлар ўртасида ноҳуш ҳолаталарни камайтиришга йўналтирилган тадбирларга қуйидагиларни киритишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- *жисмоний тарбия ва оммавий спорт тадбирларини мунтазам ўтказиш;*
- *барча ёшдаги аҳоли қатламларини жисмоний тарбия ва соғломлаштириш, спорт йўналишларидаги секцияларга жалб қилиш;*
- *жисмоний тарбия ва спорт ишлари бошқармалари томонидан соғлом турмуш тарзи тарғиботи бўйича олиб бориладиган ишларини марказий- худудий оммавий ахборот воситалари орқали янада фаоллаштириш;*
- *мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юр்தларида жисмоний тарбия соатларини кўпайтириш, машгулотлар ва бериладиган вазифаларни ўқувчи ва талабалар томонидан дастурий меъёрларга мос равишда бажарилишга қўйиладиган талабларни кучайтириш;*
- *таълим тарбия даргоҳларида болалар, талабалар саломатлигига кўпроқ эътибор қаратиш, шунингдек, жисмоний тарбия дарсларида уларнинг жисмоний ҳолатига индивидуал тарзда ёндашиш ва соғлигидаги ўзгаришлардан кўпроқ боҳабар бўлиш;*
- *мактабларда дарсдан ташқари вақтларда фаолият юритувчи жисмоний тарбия ва спорт секцияларини кенг кўламда ташкил қилиш;*

Юқорида таъкидлаб ўтилган тадбирларни юртимизнинг барча ҳудудларида бевосита амалга оширилишини назорат қилиш бугунги кунда янги жамият барпо этаётган мамлакатимиз тараққиётини белгилашдаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов “Ҳар қандай миллатнинг равнақи умумбашарият тарихида туган ўрни, мавқеи ва шуҳрати, бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуқлигига боғлиқдир” [9] - деб бежиз таъкидламаган. Албатта, ушбу тадбирлар жисмоний тарбия

ўқитувчилари, спорт мураббийлари, ота-оналар ва тегишли ҳукумат органлари билан биргаликда иш олиб боришлари талаб қилади. Спорт фаолияти жамиятда қабул қилинган ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга зид бўлган хулқ-атворнинг олдини олувчи энг самарали шаклларида бири саналади. У ёшларнинг имкониятларига тўғри келиб, ўзининг ҳис-ҳаяжонлилиги билан эътиборни тортади, шахснинг ўз кучларини синаш ва ўзлигини ҳис қилиб, бошқаларга ҳам намоён қилиш учун қулай шароитлар яратади. Шунингдек, спорт фаолияти жамоатчилик муносабатларини шакллантиришда зарур аҳамиятга эга, зеро, ўсмирлар жуда тез маълум жамоага киришадилар, ундаги тадбирларни ўзлари ва жамоалари учун ниҳоятда муҳим деб қабул қиладилар. Бу ерда ўз мафаатларини жамоа манфаатларидан кейинги ўринга қўйиш катта тарбиявий жиҳатга эгадир. Айни вақтда ёшларда жамоатчилик ҳисси жамиятда қабул қилинган ҳуқуқий-ахлоқий мезонларга қарши чиқмаслик, ўз жамоаси, истиқомат қилаётган ҳудуди, халқи, Ватанини ҳурмат қилиб қадрлаш, хатардан асраш, галаба чўққиларига етаклаш каби ҳислатларни шакллантиради. Бундай фазилатли инсон ноқонуний ҳаракатлар қилмаслиги, ўзи ва атрофидагилар учун зарарли одатларга ўрганмаслиги табиий. Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти инсоннинг жисмонан бақувват қилиш билан бирга, унинг руҳини мустаҳкамлайди, ақлини равшан қилади. Шу тариқа одамда нафсига эрк бермаслик фазилатини тарбиялаб фойдали ишларга чорлайди, нотўғри фикрлашдан сақлайди, салбий таъсирга берилмаслик учун мустаҳкам руҳий (психологик) замин яратади, яъни ғоявий жиҳатдан ҳам тарбиялашда салмоқли ўринни эгаллайди.

Хулоса тариқасида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда вояга етмаган ёшлар ўртасида ноҳуш ҳодисаларнинг олдини олишда асосий эътиборни жисмоний тарбия ва спорт тадбирларининг кенгайтирилишига, ҳатто оммавий тарзда амалга оширилишига шунингдек, вояга етмаган ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш, ушбу иллатларнинг олдини олишда энг аввало жамият соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, миллат генофондини янада соғломлаштириш, келажагимиз эгаларини ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол қилиб вояга етказишга қаратилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Международная хартия принята в 1978 году Резолюцией 20С/1/5.4/2 Генеральной конференции ЮНЕСКО; в 1991 году внесены изменения Резолюцией 26С/1.10; пересмотрена в 2015 году Резолюцией 38С/43.См.: <http://en.unesco.org/sportcharter>.
- 2.2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 2019 йил 14 февраль. www.lex.uz
- 3.Мирзиёев Ш.М.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 23декабрь.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи /<http://uz> 24

5. <https://kun.uz/uz/news/2018/12/18/> Аҳолининг-соғлом-турмуш-тарзини-қўллаб-қувватлаш-ва-жисмоний-фаоллиги-даражасини-ошириш-концерсияси-ва-дастури-қабул-қилинди-президент-қарори
6. <http://daryo.uz/2016/02/12/ўзбекистон-спорт-билан-шугулланадиган-болалар-сони-11-йилда-27-фоизга-осди>
7. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг иши улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент.: Ўзбекистон. 2019. –Б. 124.
8. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 23 декабрь.
9. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон, 1997. 150- б

МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИНГ БАЪЗИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ВАКОЛАТЛАРГА АСОСЛАНГАН ЁНДАШУВ

Кодиров Комилжон Рахимович
Фарғона давлат университети
Физика-математика фанлари номзод, доцент
Нишонбоев Азизбек Солижонович
Фарғона давлат университети
Математика кафедраси ўқитувчиси
Йигиталиев Йўлдошали Умаржон ўгли
Фарғона давлат университети
Математика ўқитиш методикаси йўналиши талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада 5-6-синф ўқувчиларига математикани ўқитиш жараёнида мантиқий компетенцияни шакллантириш бўйича баъзи услубий тавсиялар берилган

Калит сўзлар: компетентлик, модернизация, парадигма, алгоритмик, эвристик, интеллектуал, мантиқ, диалог, гипотеза, методология, дидактика, когнитив, педагогик-психологик.

ПОДХОД ОСНОВАННЫЙ НА КОМПЕТЕНЦИИ В ПРЕПОДАВАНИИ НЕКОТОРЫХ ЭЛЕМЕНТОВ МЕТОДОЛОГИИ ПРОЕКТИРОВАНИЯ УРОКОВ МАТЕМАТИКИ

Кодиров Камилжон Рахимович
Ферганский государственный университет
Кандидат физико-математических наук, доцент
Нишанбоев Азизбек Солижонович
Ферганский государственный университет
Преподаватель кафедры математики
Йигиталиев Юлдашали Умаржон ўгли
Ферганский государственный университет
Студентка направления математическое обучение

61	Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарлари иқтисодий компетентлигини шакллантириш моделини такомиллаштириш Нигматова Г.Н	348
62	Масофавий таълим технологиялари асосида мустақил ишларни ташкил этишга оид дастурий маҳсулотларни яратиш методикаси Пардаева Г.А	355
63	Тасвирий фаолият жараёнида мактабгача ёшдаги болаларни ижодий ривожлантириш технологияси Пўлатов Ф.У	361
64	Моделлаштирилган ишлаб чиқариш муҳитида замонавий муҳандисларни тайёрлашни такомиллаштириш Сайдалиев И.Н	365
65	Иқтисодий масалаларни ҳал қилишда математик усулларнинг роли Сафарбаева Н.М	371
66	Туризм соҳаси ва таълим тизимининг ўзаро интеграция жараёни Халилов Б.А	375
67	Таълим – тарбия предметида педагогика тарихини тасаввуф билан боғлиқлиги Чориев И.А	380
68	Вояга етмаган ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спорт омилининг замонавий ижтимоий-педагогик жиҳатлари Сиддиқов Э.Б	384
69	Математика дарсларини лойиҳалаш методологиясининг баъзи элементларини ўқитишда ваколатларга асосланган ёндашув Кодиров К. Р, Нишонбоев А. С, Йигиталиев Й. У	390
70	Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг малакаси ошириш моделини такомиллаштириш тамойиллари Қосимова Ш.Н	395
71	Бадий гимнастикада буюм билан бажариладиган машқларнинг алоҳида хусусиятлари. Холматов Н. У	400